

Ўзбекистон Республикаси номидан
Х У К М

2026 йил март ойининг 12 куни, жиноят ишлари бўйича Зарафшон шаҳар судининг суд мажлиси, ўз биносида, очик суд мажлисида, судья А.Исоковнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ж.Мавлоновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси – Зарафшон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси М.Мусоева, судланувчи Б.Сарбаевнинг иштирокида, Сарбаев Бахтияр Сериковичга оид 1-2102-2601/19-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Судланувчи Сарбаев Бахтияр Серикович (Sarbayev Baxtiyar Serikovich), 1979 йил 5 июнда Навоий вилояти, Зарафшон шаҳрида туғилган, миллати қozoқ, (Ўзбек тилини яхши тушунади, таржимон хизматига муҳтож эмас) Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Зарафшон шаҳар судининг 2025 йил 3 июлдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 122-моддасининг 1-қисми билан 1 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Томди туман судининг 06.11.2025 йилдаги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 7 ой 27 кун жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган, Зарафшон шаҳар, “Мурунтоғ” кўрғони 1/17-уй, 3-хонадонда яшайди, иш бўйича 17.01.2026 йилда “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2026 йил 26 февраль куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 2-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, иш ҳужжатларини тафтиш қилиб, томонларнинг музокара сўзларини тинглаб, судланувчининг музокара, ҳимоя ва охириги сўзларини эшитиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Судланувчи Б.Сарбаев 2026 йил 5 январь куни соат тахминан 12:10да Зарафшон шаҳар ИИБ ЖКБ ҳамда 36-сон манзил колонияси ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбир давомида, гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзлаб, Зарафшон шаҳар, 3-кичик туман, 28-уйнинг ён томонида тезкор тадбирда иштирок этган “Ж” исмли шартли харидорга 1.000.000 сўм пуллар эвазига, 1 дона гугурт қутига солинган



Зарафшон шаҳар ИИБ ЭКГнинг 08.01.2026 йилдаги 1-сонли судга оид кимёвий экспертиза хулосасига кўра, соф вазни 2.5293 граммга тенг бўлган “Марихуана” гиёвандлик моддасини сотган вақтида ушланиб, холислар иштирокида расмийлаштириб олинган.

“Марихуана” гиёвандлик воситаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 октябрдаги 878-сонли Қарорига асосан гиёвандлик воситалари туркумига кириб, улар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш тақиқланган.

Суд мажлисида судланувчи сифатида сўроқ қилинган Б.Сарбаев, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб, 2025 йил сентябрь ойида 36-сонли манзил колонияда жазо ўтаган вақтида “Жандўс” исмли шахс билан танишганлигини, 2025 йил ноябрь ойида озодликка чиққанлигини ва “Жандўс” билан кўнғироқлашиб турганлигини, шунда “Жандўс”га “марихуана” гиёвандлик моддаси борлигини, бир гугурт қутиси 1 млн. сўм эканини айтганлигини, шундан кейин 2026 йил 5 январь куни тахминан соат 12:00 лар атрофида таниши “Жандўс”га кўнғироқ қилиб, қаерда эканини сўраганлигини ва у билан Зарафшон шаҳар тиббиёт бирлашмаси олдида учрашишга келишиб, унинг олдида таниши Коля билан борганлигини, таниши Коля у “Жандўс” билан нима мақсадда учрашмоқчи бўлганини билмаганини, шу куни у “Жандўс”га бир дона “Sobranie” номли сигарет қутисининг ичига бир гугурт қутига солинган “марихуана” гиёвандлик моддасини солиб берганлигини, Жандўс эса унга 1 млн. сўм миқдоридаги келишилган пулларни берганини, шу пайт унинг ёнига 3, 4 нафар фуқаролик кийимида бўлган шахслар келишгани ва икки нафар холислар билан ўзларини ИИБ ходимлари деб таништириб, тадбир ўтказилаётганини, бир оз олдин ким билан нима мақсадда учрашганини сўрашгани, шунда у бўлган ҳолатларни тўлиқ айтиб бергани ва ўз ихтиёри билан таниши Жандўсдан “марихуана” гиёвандлик воситалари учун олган пулларини тақдим қилганини, ИИБ ходимлари эса ундан холислар иштирокида пулларни баённома асосида ва видеотасвирга олган ҳолда расмийлаштириб олишганини, у ушбу гиёвандлик моддасини 2025 йил апрель-май ойларида Конимех туманига борганида уйининг орқа тарафида бўлган ариқ бўйида бир туп “марихуана” гиёвандлик ўсимлигига ўхшаш ўсимлик ўсиб турганини кўриб, ўзининг истъемоли учун олиб қурутиб қўйганлигини, айбига иқрорлиги ва қилмишидан чин кўнғилдан пушаймонлигини инобатга олиб, қонуний енгиллик қилиш тўғрисида кўрсатув берди.

Судланувчи Б.Сарбаевнинг айби ўзининг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳнинг кўрсатувлари ҳамда қуйидаги далиллар йиғиндиси билан тўлиқ тасдиқланди.

Суд мажлисида гувоҳ сифатида сўроқ қилинган Д.Садинов, дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб, 2026 йил 5 январь куни соат 09:00да Зарафшон шаҳар, 11-кичик туман, 19-уй олдида ўзининг ишлари билан юрганида ИИБ ходимлари бир ишда холис сифатида қатнашишини



сўрашгани сабабли у рози бўлганини, шундан кейин Зарафшон шаҳар ИИБ биносига бориб, у ерда унга ва яна бир холисга ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилганини, шундан сўнг “Жандўс” исмли шахс ариза билан муурожаат қилиб, аризасида “Бахтияр” исмли шахс “марихуана” гиёвандлик моддасини 2.000.000 сўм эвазига сотаётганлиги сабабли аризачи ўзининг ёнида бўлган 2.000.000 сўм пулларни ихтиёрий тарзда тезкор тадбир ўтказиш учун тақдим қилгани тўғрисидаги ариза билан таништирилиб, ИИБ ходимлари аризачи берган 2 млн. сўм пулларнинг серия ва рақамларини баённомага киритганларини, пулларни аризачига бериш жараёни видеотасвирга олинганини, шундан кейин тадбир иштирокчилари билан бирга Зарафшон шаҳар тиббиёт бирлашмаси ёнида жойлашган Шамс номли дорихона ёнига борилгани ва у ерда “Жандўс” исмли шахсга кейинчалик исмини билган “Бахтияр” исмли шахс “Собрание” номли тамаки қутисини бериб, “Жандўс”дан 1 млн. сўм пулларни олганини, шунда ИИБ ходимлари уларнинг иштирокида “Бахтияр” исмли шахснинг олдида борганлари ва ўзларини таништириб, ушбу шахсдан бир оз олдин ким билан нима мақсадда учрашганлиги сўралгани, шунда “Бахтияр” исмли шахс бўлган ҳолатларни тўлиқ айтиб бергани ва ўз ихтиёри билан таниши Жандўсдан марихуана гиёвандлик воситалари учун олган пулларини тақдим қилганини, ИИБ ходимлари эса пулларни баённома асосида ва видеотасвирга олган ҳолда расмийлаштириб олишганини, уларнинг иштирокида “Бахтияр” исмли шахсдан олинган пулларнинг серия ва рақамлари баённома билан солиштириб кўрилганда ушбу пулларнинг серия ва рақамлари баённомада кўрсатилган пулларнинг серия ва рақамлари билан бир хилда эканлиги аниқланганини, шундан сўнг Зарафшон шаҳар ИИБ биносида “Жандўс” исмли шахс сотиб олган тамаки қутиси очиб кўрилганда унинг ичидан гугурт қутиси чиққанини, гугурт қутиси ичидан эса ўткир ҳидли, яшил рангли, гиёвандлик моддасига ўхшаш модда борлиги аниқланиб, уларнинг иштирокида махсус тарозида гугурт қутиси билан бирга ўлчаб кўрилгани ва 5,20 грамм оғирликда эканлиги аниқлангани тўғрисида кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ сифатида сўроқ қилинган С.Солиев, дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб, 2026 йил 5 январь куни олинган тезкор маълумот асосида соат тахминан 12:00 ларда Зарафшон шаҳар Тиббиёт бирлашмаси рўпарасида жойлашган “Шамс” номли дорихона ёнида “Бахтияр” исмли шахс таниши “Жандўс” исмли шахсга 1.000.000 сўм пуллар эвазига гиёвандлик моддасини сотган вақтида ИИБ ходимлари томонидан икки нафар холислар иштирокида тадбир давомида кўлга олинганини, шундан сўнг “Шамс” дорихонаси ичига кириб, фуқаро “Бахтияр” исмли шахсдан олинган 1.000.000 сўм пуллар назорат тартибида текшириб кўрилганда, ушбу пулларнинг серия ва рақамлари баённомада кўрсатилган пулларнинг серия ва рақамлари билан бир хил эканлиги аниқланганини, сўнг “Бахтияр”нинг “Жандос” исмли шахсга сотган гиёвандлик моддаси расмийлаштириб олиниб, назорат тартибида электрон тарозида ўлчанганда гиёвандлик моддасига ўхшаш модда гугурт қутиси билан бирга 5.20 граммни ташкил қилгани тўғрисида кўрсатув берди.



Шунингдек, судланувчи Б.Сарбаевнинг жиноят содир этганликдаги айби, Зарафшон шаҳар ИИБ бошлиғи номига ёзилган Ш.Тошевнинг билдиргиси, 05.01.2026 йилдаги пулларни кўздан кечириш ва шартли харидорга бериш баённомаси, 05.01.2026 йилдаги нарсани олиш, кўздан кечириш ва назорат тартибида ўлчаш баённомаси, 05.01.2026 йилдаги нарсани кўздан кечириш ва олиш баённомаси, Зарафшон шаҳар ИИБ ЭКГнинг 08.01.2026 йилдаги 1-сонли хулосаси, ашёвий далил деб эътироф этиш қарори ҳамда жиноят иши ҳужжатларида тўпланиб, суд мажлисида текширилган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботини топди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан Б.Сарбаевнинг гиёвандлик воситасини кўп бўлмаган миқдорда қонунга хилоф равишда ўтказишда ифодаланган жинойий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига кўра, судланувчи Б.Сарбаевнинг айбига иқрорлигини ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб топади, ЖКнинг 56-моддасига кўра, илгари ҳам қасддан жиноят содир этиб, қасддан янги жиноят содир этганлиги жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги;

8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозимлиги;

54-моддасида, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши;

60-моддасида, агар маҳкум ҳукм чиқарилганидан кейин жазони тўла ўтамай туриб, янги жиноят содир этса, суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга



3-бандида, жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

26-бандида, озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга, шунингдек судланувчининг шахсини инобатга олган ҳолда – ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса, қўлланилиши;

37-бандида, ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят Кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинлаши мумкинлиги;

54-бандида, жиноят кодексининг 60-моддасида назарда тутилган бир неча ҳукмлар бўйича жазо тайинлаш қоидалари биринчи ҳукм эълон қилинганидан сўнг, лекин ўша ҳукм бўйича тайинланган асосий ва қўшимча жазолар тўлиқ ўталганга қадар маҳкум томонидан янги жиноятни содир этилган ҳолларда қўлланилади;

55-бандида, судлар шуни ҳисобга олишлари керакки, ҳукмлар мажмуи бўйича белгиланган жазо янги жиноят учун белгиланган жазо муддатидан ҳам илгариги ҳукм бўйича белгиланган жазонинг ўталмаган қисмидан ҳам кўпроқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Иш ҳужжатлари ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи Б.Сарбаев жиноят ишлари бўйича Зарафшон шаҳар судининг 2025 йил 3 июлдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 122-моддасининг 1-қисми билан 1 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган. Жиноят ишлари бўйича Томди туман судининг 2025 йил 6 ноябрдаги ажримига кўра, ЖК 73-моддасига асосан ўталмай қолган 7 ой 27 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган.

Суд, судланувчи Б.Сарбаев мазкур жиноят иши бўйича жиноятни 2026 йил 5 январь куни, яъни жиноят ишлари бўйича Зарафшон шаҳар судининг 2025 йил 3 июлдаги ҳукмидан кейин жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод этилган даврда содир этганлигини инобатга олиб, унга ЖК 60-моддаси тартибида жазо тайинлашни лозим топади.

Суд, судланувчи Б.Сарбаевга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда юқорида кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Олий суд Пленуми қарорларининг раҳбарий кўрсатмаларига амал қилиб, Б.Сарбаев содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, оилавий аҳволини ва соғлигини, жиноят натижасида оғир оқибатлар келиб чиқмаганлиги, яъни инсон ҳаёти ва соғлиғига хавф етмаганлиги, унинг айбига тўлиқ иқрорлиги ва қилмишидан чин қўнғилдан пушаймонлигини жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий



камайтирувчи ҳолатлар деб эътироф этиб, у айбли деб топилаётган ЖК 273-моддасининг 2-қисми билан ЖК 57-моддасини қўллаб, мазкур модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам муддатидан ҳам камроқ қисмини тайинлашни, ЖК 60-моддаси тартибда мазкур ҳукм билан тайинланган жазога жиноят ишлари бўйича Зарафшон шаҳар судининг 2025 йил 3 июлдаги ҳукми билан тайинланган ва жиноят ишлари бўйича Томди тумани судининг 2025 йил 6 ноябрдаги ажримига кўра, ЖК 73-моддасига асосан муддатидан илгари шартли равишда озод қирилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг шартлилигини бекор қилиб, ўталмай қолган 7 ой 27 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосини қисман қўшиш йўли билан узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, шунингдек Б.Сарбаевга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасини ўзгаришсиз қолдиришни, ЖКнинг 50-моддаси 7-қисми “в” бандига кўра тайинланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазосини қаттиқ тартибли колонияларда ўтатиришни белгилашни лозим деб топади.

Шунингдек, суд, Республика ихтисослаштирилган наркология илмий-амалий тиббиёт маркази Навоий вилояти филиалида ташкил этилган “Махсус наркологик экспертиза ўтказиш гуруҳи”нинг 22.01.2026 йилдаги 6-сонли судга оид наркологик экспертиза хулосасига кўра, судланувчи Б.Сарбаев гиёвандлик касаллигидан мажбурий тиббий даволанишга муҳтож эмаслиги кўрсатилганлиги сабабли муҳокамадан чиқаришни;

иш бўйича далилий ашё тариқасида олиниб, ДХХ Навоий вилоят Бошқармасининг хўжалик бўлимида сақланаётган тадқиқотдан қайтарилган 2.5293 граммга тенг бўлган “марихуана” гиёвандлик моддасини тегишли тартибда йўқ қилишни белгилашни;

иш бўйича ёзма далил деб эътироф этилган Зарафшон шаҳар ИИБ ЭКГнинг 08.01.2026 йилдаги 1-сонли хулосасини ҳамда дастлабки тергов ҳаракатлари тасвири туширилган 1 дона “DVD” дискни, шунингдек судланувчи Б.Сарбаевнинг химояга бўлган ҳуқуқларини тушунтириш жараёни тасвири туширилган 1 дона “CD” дискни жиноят иши билан бирга сақлашни;

иш бўйича тезкор тадбир давомида фойдаланилган 2.000.000 сўм пуллар шартли харидорга тилхат асосида қайтарилганлигини инобатга олишни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-473, 497¹-497⁴-моддаларига мувофиқ, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Судланувчи Сарбаев Бахтияр Серикович (Sarbayev Baxtiyar Serikovich) Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга шу модда билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 4 (тўрт) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.



Судланувчи Б.Сарбаевга Ўзбекистон Республикаси ЖК 60-моддаси тартибида, жиноят ишлари бўйича Зарафшон шаҳар судининг 2025 йил 3 июлдаги ҳукми билан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмай қолган 7 ой 27 кунини қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 4 (тўрт) йил 1 (бир) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин

Жазо қаттиқ тартибли колонияларда ўтатирилсин.

Жазони ўташ муддати 2026 йил 17 январь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Б.Сарбаевга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси ўзгаришсиз қолдирилсин.

Иш бўйича далилий ашё тариқасида олиниб, ДХХ Навоий вилоят Бошқармасининг хўжалик бўлимида сақланаётган тадқиқотдан қайтарилган 2.5293 граммга тенг бўлган “марихуана” гиёвандлик моддаси тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Иш бўйича ёзма далил деб эътироф этилган Зарафшон шаҳар ИИБ ЭКГнинг 08.01.2026 йилдаги 1-сонли хулосаси ҳамда дастлабки тергов ҳаракатлари тасвири туширилган 1 дона “DVD” диск, шунингдек судланувчи Б.Сарбаевнинг ҳимояга бўлган ҳуқуқларини тушунтириш жараёни тасвири туширилган 1 дона “CD” диск жиноят иши билан бирга сақлансин.

Иш бўйича тезкор тадбир давомида фойдаланилган 2.000.000 сўм пуллар шартли харидорга тилхат асосида қайтарилганлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози томонлар 10 сутка ичида, судланувчи эса унга ҳукм нусхаси топширилган кундан бошлаб шу муддат ичида Навоий вилоят судининг апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация инстанциясига шикоят, прокурор протест келтиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи:

/имзо/

А.Исоков

Ҳукм нусхаси аслига тўғри, судья

А.Исоков

